



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 198 (11.759)

Баҳоси эркин нарҳда

## ТОШКЕНТ — ЖАҲОН ПАХТА БИЗНЕСИ МАРКАЗИ



### Пойтахтимизда 13 октябрь куни VI Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси бошланди.

Ўзбекистон бугун жаҳон пахта бозоридаги етакчи мамлакатлардан бўлиб, пахта етиштириш бўйича учинчи ўринда туради. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ўтказиб келинаётган ва пойтахтимизда очилган VI Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси мамлакатимизнинг ушбу соҳадаги ўзaro манфаатли таъкидлаш ва ҳамкорлигини янада ривожлантириш ҳамда мустақамлашга хизмат қилади. Ярмарка Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази кўмағида ташкил этилди.


VI Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасининг очилишида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислохотлар барча соҳалар-

да, жумладан, пахтачиликда юксак самаралар бераётгани таъкидланди. Бу, айниқса, дунёнинг кўпгина давлатларига салбий таъсир кўрсатаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида яққол намоён бўлмоқда. Мазкур мамлакатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда ўз ривожланиш моделининг амалга оширилиши натижасида ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсиши кузатишмоқда. Утган йили бу кўрсаткич 8,1 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмида 8 фоиз бўлди. Айни пайтда миллий иқтисодиётимизнинг барча жабҳалари, жумладан, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларнинг мувозанатли ривожланиши таъминланмоқда. Мамлакатимизда мазкур тармоқларни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, замонавий пахта ишлаб чиқариш, пахта толасини халқаро стандартларга мувофиқ қайта ишлаш ва сотиш комплексини ташкил этишга қаратилган улкан ўзгаришлар амалга оширилди.

(Давоми 2-бетда).

## ПОЙТАХТНИНГ

### БИР КУНИ



## «ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – ЕНГИЛМАС КУЧ» – МИЛЛАТ МАЪНАВИЯТИНИ БОЙИТУВЧИ ВА РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ҚОМУСИЙ АСАРДИР»

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарининг илғор ижтимоий доираларида улкан қизиқишлар уйғонишига сабаб бўлмоқда. Яқинда Қатар университетидан ушбу китобнинг араб тилидаги наشري тақдимоти бўлиб ўтди.

Тақдимот маросимида Қатар давлатининг ижтимоий-сиёсий ва эксперт-таҳлилий доиралари вакиллари, университет профессор-ўқитувчилари – сиёсатшунос ва тарихчи олимлар, талабалар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди. Таъкидлаш жоизки, Қатар университети 1973 йилда ташкил топган бўлиб, араб ва шарқ давлатлари орасида энг нуфузли илмий-тадқиқот ва маърифий олий билим даргоҳларидан бири саналади. Университетда 7 та – менежмент ва иқтисодиёт, адабиёт, шарият ва ислом тадқиқотлари, педагогика, фармацевтика, политехника ҳамда ҳуқуқшунослик факультетлари фаолият кўрсатади. Бугунги кунда университетнинг педагогик жамоаси 700 нафардан зиёд бўлиб, мазкур билим даргоҳида 60 та мутахассислик бўйича 40 минг нафарга яқин талабалар таъсил олишади.

Тадбирни очар экан, университет вице-президенти, доктор Шайха Жобир Жосим ал Тоний Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг ушбу асарини тақдимоти

мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий, маданий, маърифий ва маънавий ривожланиши билан яқиндан танишиш имкониятини беради ҳамда икки томонлама ҳамкорликнинг жадал тарзда кенгайтириш йўлида яна бир ижобий қадам бўлади, дея таъкидлади.

Унинг фикрига кўра, миллат маънавиятини бойитувчи ва ривожлантирувчи қомусий китоб деб аташ мумкин бўлган мазкур асарда, унда муҳокама этилган масалалар қамровига кўра, мамлакат раҳбарининг кўпқиррали билимларга эга экани ўз аксини топган. Асарни мутолаа қилар экансиз, нафақат мамлакат халқининг мустақилликка эришганидан сўнг кечаётган бугунги ҳаёти, миллий ўзини ўзи англаш ва ахлоқий қадриятлари борасидаги энг муҳим масалалар билан, балки унинг кўплаб асрлар давомида шаклланган тарихи, маданияти ва маънавияти билан танишиш мумкин. — Асарда илгари сурилган мавзулар ўзбек халқи билан бирга, яна кўплаб халқлар учун ҳам долзарб аҳамият касб этади. Унда кўтарилган масалалар замо-

навий жамият ривожидида концептуал-амалий нуқтаи назардан муҳимдир. Муаллифнинг мулоҳаза ва қарашларида унинг ҳақиқий ватанпарвар экани акс этиб туради. Ватанга ҳамда ўз халқига чекиз муҳаббатининг меваси саналади. Амминанки, ушбу асар нафақат Қатар, балки дунёнинг бошқа давлатлари ҳам эргашishi мумкин бўлган йўлга мисол бўла олади, — деди Шайха Жобир Жосим ал Тоний.

Ислам тадқиқоти ва шарияти факультети декани Ойша Юсуф ал Манайи Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарини унда катта қизиқиш уйғотганини таъкидлади.

«Ушбу китоб мамлакат раҳбарининг ўсиб келаётган ёшларга нисбатан чекиз муҳаббати ва хурмати акс этган ўзига хос руҳий, маънавий, миллий ва диний анъаналарнинг низоми, ўзбек халқининг қадриятлари ва қарашларининг тўплами десам, муволаға қилмаган бўламан. Асарда аҳолининг айнан шу тоифасига – ёш авлодга муносабат қилинган. Ёшларнинг онгиди ва қалбидида соғлом турмуш тарзини, умуммиллий қадриятларга хурмат ҳиссини уйғотиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, умумбашарий тан олинган маънавий-руҳий анъаналарни шакллантириш зарурлиги ҳақида муаллиф билдирган мулоҳазалар юксак баҳога муносибдир», дея қайд этди у.

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизда туризм соҳасини янада юксалтириш мақсадида Германиянинг Трир шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Берлиндаги элчихонаси томонидан Maurya-Tours сайёҳлик бюроси ва «Chorale Classique» хор жамоаси ҳамкорлигида юртимиз туристик салоҳияти намойишига бағишланган «Ўзбекистон – Буюк Ипак йўли» чорраҳасида мавзусида тадбир ўтказилди. Унда Трир шаҳрининг ижтимоий-маданий ҳамда ишбилармон доиралари вакиллари иштирок этишди.

## GERMANYDA ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ НАМОЙИШИ

Кечада Maurya-Tours сайёҳлик бюроси раҳбари Ханс-Йоахим Шродт Ўзбекистоннинг маданий ва тарихий обидалари ҳақида тўхталар экан, юртимизда шу кунгача сақланиб келинаётган меъморчилик обидалари инсониятнинг энг катта бойликлари ҳисобланиши ва улар Буюк Ипак йўлининг ривожланишида алоҳида ўрин тутишини таъкидлади.

«Ўзбекистон мустақиллигининг илк кунларидан бошлаб ўзининг кўплаб тарихий обидаларини қайта тиклашга киришди, меъморчилик ёдгорликларини таъмирлади. Бу, ўз навбатида, мамлакатда туризмнинг ривожланишида муҳим омил бўлди», деди у.

Бюро раҳбари йиғилганларга ўзининг Ўзбекистонга амалга оширган илгариги саёҳатлари давомида тайёрлаган фотоматериалларидан фойдаланиб, ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, бой урф-одатлари, ширали мевалари ва миллий таомлари ҳақида батафсил маълумот берди.

«Maurya-Tours» туристик бюроси шу кунга қадар Ўзбекистонга икки марта саёҳат уюштирди. Сўнгги вақтларда Германия жа-

моатчилиги орасида мамлакатингизга қизиқиш ортиб бораётганини инобатга олиб, келгусида бу каби саёҳатлар сонини кўпайтириш режалаштирилмоқда. Жумладан, 2011 йилнинг апрель ойида «Chorale Classique» хор жамоасининг Самарқанд, Бухоро ва Хива каби қадимий шаҳарларига сафар уюштириши, шунингдек, ушбу саёҳат давомида Тошкент ва Самарқандда концерт дастурини намойиш этишни мўлжалламоқда. Ўзбекистоннинг маданий ёдгорликлари ҳисобланмиш тарихий обидалар бутун Европа, хусусан, германияликларнинг қизиқишини доимо ўзига тортиб келган. Ташкилотимиз асосан Жанубий Осиё давлатлари, жумладан, Хиндистон, Непал ва Бутанга туристик саёҳатлар уюштириш билан шуғулланарди. Ўзбекистонни асосий йўналишлардан бири сифатида белгилаб олди ва келгуси йилларда мамлакатингиз туризм бозорида янада қизгин фаолият олиб боришни ўзимиз учун мақсад қилганимиз», дея аёнлади бюро раҳбари.

«Жаҳон» АА,  
Берлин

## ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат жаҳон тиллари университетидан талабаларнинг илмий салоҳиятини оширишнинг долзарб масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

✓ **ЧИЛОНЗОР** туманидаги 290-мактабда Халқ таълими бош бошқармаси томонидан уюштирилган давра суҳбати таълим самарадорлигини юқори босқичга кўтаршда «устоз-шогирд» тизимининг моҳиятига бағишланди.

✓ **«КАМОЛОТ»** ЁИХ болалар ташкилотининг олтинчи раёсат йиғилишида шу кунгача амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, келгуси режалар белгилаб олинди.

## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Кеча Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессияси бўлиб ўтди. Унда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари яратиш бўйича 2011 йилга мўлжалланган дастур муҳокама қилиниб, тасдиқланди.

• Тошкентда давом этаётган маданият, санъат ва мода йўналишидаги «Art Week Stele.uz-2010» ҳафталиги доирасида кеча Миллий санъат марказида Миллий либослар фестивали ўтказилди. Мазкур тадбир мода ҳафталигининг энг йирик намойишларидан бири бўлиб, унда замонавий ўзбек фэйшн саноатининг ўзига хос қирралари очиб берилмоқда.

• Муборак шаҳридаги «Саратон» кўп тармоқли хусусий корхонасида ёғоч ва металлга бадий безак бериш ҳамда турли ўлчамдаги рангли реклама маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилди. Бунинг учун корхонага ўз маблағи ҳамда банкдан олинган кредит ҳисобига хоридан 82 миллион сўмлик замонавий дастгоҳлар олиб келиб ўрнатилди. Янги технологиянинг фойдаланишига топширилиши ҳисобига бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 баробарга ортди.

• Жиззах шаҳридаги «Умид» иқтидорли ўқувчилар мактаб-интернатида 21 октябрь — «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинган кунга бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди. Ўқувчи-ёшларни мустақил фикрлашга ўргатиш, тил ҳақидаги билим ва дунёқарашини янада кенгайтириш мақсадида ташкил этилган тадбир шеърхонликка улашиб кетди.

• «Талимархон ИЭС» унитар шўъба корхонасида ёшларнинг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Яқинда корхонага сўнгги нусхадаги 10 та тикув машинаси келтирилиб, янги цех ташкил этилиши билан ўндан зиёд чевар қизлар иш билан таъминланди. Ҳозир бу ерда буюртма асосида иш кийимлари, кўлқоп, фартук ва чойшаблар тайёрланмоқда.

• «Қамолот» ЁИХ Самарқанд вилоят Кенгаши ташаббуси билан вилоят «Ёшлар маркази» биносидан «Самарқандлик келин» кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Танлов натижаларига кўра, биринчи ўрин Самарқанд тумани вакиласига насиб этди.

## ЖАҲОНДА

• Кеча Чилида 69 кун давомида 700 метр чуқурликда қолиб кетган 33 нафар кончиларни юқорига чиқариб олиш операцияси муваффақиятли тарзда амалга оширилди. Ушбу жараёнда Чили ва Боливия давлатлари президентлари Себастьян Пиньера ва Эво Моралеслар қатнашди.

• Буюк Британия маъмурлари Қироллик почтаси акцияларининг 90 фоизини хусусий шахсларга сотишга тайёр эканликларини билдирдилар.

• Индонезияда юз берган кўчки оқибатида 10 киши ҳаётдан кўз юмди, яна шунча одам тан жароҳатлари олди. Ушбу кўнгилсизлик мамлакатнинг Марказий Сулавеси музофотида юз берди. Сўнгги пайтларда Индонезияда бундай табиий офатлар жуда кўп кузатишмоқда. Бунга тропик ўрмонлардаги дарактларни кесиш ҳажмининг ҳаддан зиёд ортиб кетгани сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

• Эрон Исроилдан 1982 йилда Ливанда ҳибсга олинган ўз дипломатларини қайтаришни талаб этмоқда.

• Атлантика океанида пайдо бўлган «Паула» тўфони тобора кучайиб бормоқда. Бунинг оқибатида Куба ғарбида кучли ёғингарчилик ва сув тошқинлари содир бўлиш хавфи юзага келган. Бундан ташқари, тўфон Мексика жануби-шарқидида ҳам жиддий талафотларга сабаб бўлиши мумкин.

• Доғистонда жангарилар билан рўй берган отишма чоғида уч нафар милиция ходими ҳаётдан кўз юмди, биттаси яраланди.

• Украина президенти Виктор Янукович қарорига кўра, 12 октябрь куни юз берган темир йўл ҳалокати натижасида ҳаётдан кўз юмганлар хотираси учун кеча мамлакатда мотам куни бўлиб ўтди.

• Франция ҳукумати томонидан режалаштирилган пенсия ислохотига қарши кенг миқёсдаги норозилик намойишлари ўтказилмоқда. Мамлакат касоба уюшмалари томонидан уюштирилаётган ушбу акцияларда 899 мингдан уч миллионгача киши иштирок этмоқда. Норозилик намойишлари сентябрь ойдан буён бешинчи марта ўтказилди.





ЖАРТИ ПИЕТАС

(Давоми. Боши 3-бетда).

01:25 Детективный сериал «Жизнь - поле для сражений»... 03:05 - 03:55 «Очная ставка»... ТВ 3... 06:30 Мультсериал «Пинки, Эльмара и Брейни»...

ПАЙШАНБА, 21

«Ўзбекистон»... 5:55 Кўрсатувлар дастури... 6:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 7:00 «Икким»... 7:05 ТВ - ананс...

«Ёшлар»

6:00 «Салом, ёшлар!»... 6:40 «Жаҳон»... 6:50 «Мультианнотация»... 6:55 «Ёшлар наволари»...

«Тошкент»

7:25 Кўрсатувлар тартиби... 7:30 «Салом, Тошкент!»... 7:35 Тошкент тароналари... 8:35 «Карансарой»...

13:50 «Анонс»... 13:55 «Телеклуб»... 14:05 «Дунё» теледастури... 14:55 Бизнес «Поиттах»... 15:00 «Поиттах»...

ЖУМА, 22

«Ўзбекистон»... 5:55 Кўрсатувлар дастури... 6:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 7:00 «Икким»... 7:05 ТВ - ананс...

«Ёшлар»

6:00 «Салом, ёшлар!»... 6:40 «Жаҳон»... 6:50 «Мультианнотация»... 6:55 «Ёшлар наволари»...

«Тошкент»

7:25 Кўрсатувлар тартиби... 7:30 «Салом, Тошкент!»... 7:35 Тошкент тароналари... 8:35 «Карансарой»...

10:00 Суд присяжных... 11:30 Сериал «Закон и порядок»... 13:30 «Особор. Чрезвычайное происшествие»... 14:30 «Сегодня»...

ШАНБА, 23

«Ўзбекистон»... 5:55 Кўрсатувлар дастури... 6:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 7:00 «Икким»... 7:05 ТВ - ананс...

«Ёшлар»

6:00 «Салом, ёшлар!»... 6:40 «Жаҳон»... 6:50 «Мультианнотация»... 6:55 «Ёшлар наволари»...

«Тошкент»

7:25 Кўрсатувлар тартиби... 7:30 «Салом, Тошкент!»... 7:35 Тошкент тароналари... 8:35 «Карансарой»...

15:20 Очная ставка... 16:20 «Особор. Чрезвычайное происшествие»... 17:00 «Сегодня»... 17:55 «Профессия - репортёр»...

ЯКШАНБА, 24

«Ўзбекистон»... 5:55 Кўрсатувлар дастури... 6:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 7:00 «Икким»... 7:05 ТВ - ананс...

«Ёшлар»

6:00 «Салом, ёшлар!»... 6:40 «Жаҳон»... 6:50 «Мультианнотация»... 6:55 «Ёшлар наволари»...

«Тошкент»

7:25 Кўрсатувлар тартиби... 7:30 «Салом, Тошкент!»... 7:35 Тошкент тароналари... 8:35 «Карансарой»...

«Спорт»

6:00 «Хайри тоғи»... 6:05 «Анонс»... 6:10 «Спортими маликалари»...

«Первый канал»

05:00, 09:00, 11:00 Новости... 05:10 «Тенис и спорт»... 05:40 Худ. фильм «Контрабанда»...

«Россия»

04:35 Клару Лужо и Эммануэл Витторан... 04:45 «Тележурнал»... 05:00 «Первая передача»...

Boш мухаварир Акмал АҚРОМОВ Манзилми: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: 236-57-65. Газета Тошкент шахар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.